

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2009 йил, 25 март, Чоршанба

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСІЙ Кундалик газетаси

№ 60 (11.371)

Баҳоси эркин нарҳда

XXI АСР САДОСИ
Барча манбалардан олинган
сўнги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Бухорода Тошкент шахрининг 2200 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган «Тошкент баҳори» болалар ижодий кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди.
- Самарқандда узумчиликни ривожлантириш масаласига бағишланган ҳудудий семинар бўлиб ўтди. Мазкур анжуманда соҳани ривожлантириш, узумни қайта ишлаш корхоналари қувватидан самарали фойдаланиш, қуритилган ва ҳўл узум экспортини ошириш масалалари юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.
- Термиз шаҳрида «Энг намунали ёш оила» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда Термиз, Қумқўрғон ва Жарқўрғон туманларидан ёш оилалар ўзаро баҳс юритди.
- Андижон вилоятининг Улуғнор тумани ва Наманган вилоятининг Мингбулоқ тумани туташган жойда 300 метрлик кўприк қуриб битказилди. Эндиликда воҳа аҳолиси учун Наманган, Маргилон ва Фарғона шаҳарларига келишда Балиқчи тумани марказидан айланиб ўтиш зарурати йўқ бўлди. Янги иншоотнинг фойдаланишга топширилиши «Андижон-Наманган» автомагистралда транспорт воситалари оқимининг пасайишига имкон яратди.
- Чимбой туманида Наврўз байрами тадбири билан бирга, меҳнат ярмаркаси ҳам ўтказилди. Унда 36 та корхона, ташкилот ва муассаса 112 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Ярмарка давомида 108 нафар йигит-қиз ўзи танлаган соҳада ишлаш учун йўлланма олди.
- МЧЖ «Пахтаобод-Шифер» корхонаси тегишли асбоб-ускуналарни ўрнатиш ва монтаж қилиш ишларини муддатидан аввал якунлаган ҳолда ўзининг дастлабки маҳсулоти туркумини ишлаб чиқарди. Янги корхонанинг ишлаб чиқариш қувватлари йилга 240 минг дона шифер тайёрлаш имкониятини беради. Ҳозирча бу ерда 100 киши иш билан таъминланди.
- МЧЖ «Банкараро савдо тизими» ходимлари томонидан интернет тармоғи орқали қимматбахо қоғозлар электрон савдосини ўтказиш учун дастурий мажмуа ишлаб чиқилди.
- Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институтининг моддий-техник базаси лаборатория анжомлари ва ускуналар билан бойийдиган бўлди. Таъкидлаш кераки, 51 минг АҚШ доллари миқдоридagi бу харажатлар Япония ҳукумати томонидан молиялаштирилди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Кеча сатрларда

- **ЎТГАН** куни Учтепа туманидаги «Ором» номли мактаб-бўғча марказида туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан педагоглар, тарбиячилар иштирокида ўтказилган семинар «2008-2009 — ижодий муҳитни ривожлантириш ўқув йили» мавзусига бағишланди.
- **ШАЙХОНТОХУР** туманидаги «Ипакчи» маҳалласида маҳалла фаоллари, кам таъминланган оилалар вакиллари, ёшлар иштирокида ўтказилган тадбир «Ассалом, Наврўз» деб номланди.
- **ТОШКЕНТ** шаҳар болалар сил касалликлари шифохонасида Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали ташаббуси билан шифокорлар иштирокида уюштирилган «Сил — бедаво эмас» мавзусидаги тадбир Бунтўхон силга қарши кураш кунига бағишланди.
- **КЕЧА** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида «Ассалом, Наврўз!» мавзусида ўтказилган байрам тадбирида бадий ҳаваскорлик жамоалари, ўқув курслари, тўғарақлар раҳбарлари ва катнашчилари иштирок этишди.
- **БОРОВСКИЙ** номидаги тиббиёт коллежида янгилаш айёми Наврўзи оламга бағишлаб ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида байрам тадбири ўтказилди.
- **ЎТГАН** куни Собир Раҳимов туманидаги «Янги Сабзор» маҳалласида эзгулик айёми Наврўз муносабати билан уюштирилган тадбирда кам таъминланган оилалар аъзоларига эсдалик совгалари тўхта этилди.
- **КЕЧА** Собир Раҳимов Политехника касб-хунар коллежида «Информатика ва ахборот технологиялари» мутахассислиги ўқувчилари ўртасида уюштирилган кўрик-танлов «Энг яхши дастурчи» деб номланди.
- **ЎТГАН** куни Юнусобод туманидаги «Янги ҳаёт» маҳалласига йилгилан маҳалла фаоллари, кам таъминланган оилалар аъзолари, ёшлар эзгулик айёми Наврўз байрамини кенг нишонлашди.
- **«ЕШЛИК»** талабалар шаҳарчаси «Маънавият ва маърифат» маркази ташаббуси билан олий ўқув юртилари талабалари, касб-хунар коллежлари, лицейлар ўқувчилари ўртасида Наврўз айёми муносабати билан спортнинг кўпқаб турлари бўйича мусобақалар уюштирилди.
- **ТОШКЕНТ** Ахборот технологиялари университетида электрон ахборот тизимидан фойдаланишнинг самарали усулларига бағишланган семинар талабалар, ўқитувчилар иштирокида уюштирилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).



Тадбиркорлик

ХАЛҚАРО АНДОЗАЛАРГА МОС КЕЛАДИ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 2008 ЙИЛДА МАМЛАКАТИМИЗНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА 2009 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ИҚТИСОДИЙ ДАСТУРНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСУВУВ ЙЎНАЛИШЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИДА КИЧИК БИЗНЕСНИНГ ИХЧАМ ВА ҲАРАКАТЧАНЛИГИ, БОЗОР КОНЪЮКТУРАСИ ЎЗГАРИШЛАРИ ВА ИСТЕМОЛЧИЛАР ЭҲТИЁЖЛАРИГА НИСБАТАН ТИЗ МОСЛАША ОЛИШНИ УНИ ҲАЖОН ИҚТИСОДИЙ ИНКИРОЗИ ДАВРИДА ЯНГИ ИШ ҲИРНИЛАРИНИ ЯРАТИШ ВА АҲОЛИ ДАРОМАДИНИ ОШИРИШ БОРАСИДА ЭНГ ҚУЛАЙ ВА МАЪҚУЛ ВОСИТАГА АЙЛАНТИРИШИ ТАЪКИДЛАНИБ, ЖОРИЙ ЙИЛДА КИЧИК БИЗНЕСНИ ЯНАДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВАЗИФАСИ ҲАР ҚАЧОНГИДАН ҲАМ МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТИШИ АЙТИБ ЎТИЛДИ.

— Биз тадбиркорлар Президентимизнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратаётган катта эътиборларидан, ҳар томонлама қўллаб-қувватлашлар ва рағбатлантиришлардан руҳланган ҳолда иқтисодийотиими асоси ҳисобланган

сувчи турларини кўпайтиришга, ўнлаб кўшимча иш ўринлари яратишга муваффақ бўлдик. Меҳнатимизга яраша рағбатларга ҳам сазовор бўлаётганимиз бизни қувонтиради ҳамда янги изланишларга ундайди. Мана, кутлуг айём — умрбоқий Наврўз байрами арафасида Президент Саврини учун аънаваний тарзда ўтказиб келинаётган «Ташаббус — 2009» кўрик-танловининг Сергели тумани ва пойтахт босқичида «Энг яхши тадбиркор» йўналиши бўйича 1-ўринга сазовор бўлди. Бу албатта, бизни фахрлантиради. Ушбу муваффақият мамлакатимизда тадбиркорлик учун яратилган имкониятларнинг самараси эканлигини алоҳида таъкидлашам арийдим. Айни кунларда эса кўрик-танловнинг сўнги — республика босқичига тайёргарлик кўряпмиз. Бу биз учун шараф, муваффақиятларимиз эътирофидир.

Корхона цехларига замонавий хорижий технология линия ва дастгоҳлар ўрнатилган бўлиб, жомда ахли маҳаллилаштириш дастури асосида ишламоқда. Бугунги кунга келиб 95 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган ушбу жамоада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари 250 хилдан ортиқчи ташкил этилмоқда. Жорий йилнинг ўтган қисқа даврида ҳам бир нечта янги маҳсулот турлари яратилди. Корхона икки йўналишда иш олиб бориб, цехларда енгил ва мебель санвати учун металл фурнитуралар ҳамда республикада тайёрланаётган автомобилларга бутловчи қисмлар ишлаб чиқарилмоқда. Хитойдан келтириб ўрнатилган янги дастгоҳлар ишлаб чиқариш хажми ортиши ва маҳсулот турлари кўпайишида муҳим аҳамият

касб этди. Шу боис ҳам ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш мақсадида йил охиригача Хитой ва Жанубий Корейда янада юксак унумли ускуна ҳамда дастгоҳлар келтириб, корхона цехларини технологик жиҳозлаш кўзда тутилмоқда.

Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, тадбиркорларнинг изланишлари йил сайин самара бераётгани яққол кўзга ташланади. 2000 йилда 6 турдаги маҳсулот тайёрланиб, товар айланмаси 5.700 000 сўмини ташкил этган бўлса, ўтган йил якунига кўра 250 хилдан зиёд маҳсулотлар тури тайёрланиб, ишлаб чиқариш хажми 1 миллиард 384 миллион сўмликдан ҳам ортиқ бўлди. Энг муҳими эса корхонада замонавий техника ҳамда илгор технологиялардан юксак унум билан фойдаланган ҳолда импорт ўринини босувчи товарлар тайёрланаётгани, шу орқали буюртмачилар талаб ҳамда эҳтиёжи қондирилаётганидир.


Тадбиркорларнинг яна бир интилиши яқин кунларда самара бериши аниқ, яъни улар ISO 9001-2000 халқаро сифат сертификатига олишга ҳаракат қилишмоқда. Шунингдек, ўз маҳсулотларини шартнома асосида Россия, Руминия, Хиндистон давлатларига экспорт қилишни режалаш туришидир. 2009 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш хажми салкам 2 баробарга ортиб, 2 миллиард 340 миллион сўмини ташкил этиши кўзда тутилган.

Шу ўринда айтиш жоизки, ҳар бир муваффақият ўз-ўзидан келмайди. Унга эришиш учун оқилона йўл топиш, изланишдан чарчамаслик, бозорни тинмай ўрганиш зарур. Шунингдек, меҳнат аҳлига яратилган қулай иш ва яхши дам олиш шароитлари ҳам сифат ва самарадорликда муҳим жиҳоса бўлади. Шу боис ҳам жамоада бу борадаги ишлар ибратлидир. Ишчи-хизматчиларнинг моддий ва маънавий рағбатлантириб борилиши, бепул тушилик, қулай иш қиймилари билан таъминланиши ана шулар жумласидандир.

Сирасини айтганда, бугунги кунда ички бозорда муносиват ўрин топан тадбиркорлар яқин келгусида «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрликли халқаро андозаларга мос товарлари билан ташқи бозорда ҳам харидорларга эга бўлади.

Шарифа ИЛЕСОВА

СУРАТЛАРДА: хорижий дастгоҳлар билан жиҳозланган янги цехда ишчилар яхши кайфият билан ишлашмоқда. Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар



ушбу соҳа равнақига имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда ҳисса қўшишга интилоқдамиз, — дейди пойтахтимиздаги «MET FUR SERVICE» масъулияти чекланган жамияти директори Шавкат Халилов. — 10 йиллик фаолиятимиз давомида ишлаб чиқариш хажмини бир неча баробарга ошириб маҳсулотнинг рақобатбардош, импорт ўринини бо-

ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

КЕЧА ПОЙТАХТИМИЗДА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ.

Сессияни Тошкент шаҳар ҳокими Абдуқадир Тўхтаев олиб борди. Маълумки, 2008 йил ноябрь-декабрь ойларида фуқаролар йиғинлари фаолларининг ваколат муддати тугаганлигидан келиб чиққан ҳолда, республикада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар бўлиб ўтди.

Мазкур сайлов кампаниясининг ташкилий жиҳатдан юксак савияда ўтишини таъминлаш мақсадида минтақалар кесимида махсус кўмаклашувчи комиссиялар тузилди. Тошкент шаҳар Кенгашининг ҳамда туманларда ташкил этилган тегишли комиссиялар таркибига жамоат ташкилотлари вакиллари, шаҳар Кенгаши депутатлари киритилган бўлиб, бундай ёндашув сайлов жараёнларининг ҳар томонлама шفاف ва ошқора ўтишига асос бўлиб хизмат қилди.

Сайлов якунлари таҳлилий ахборот тарзида депутатлар муҳокамасига тавсия этилиб, тегишли қарор қабул қилинди. Сай-

ловга кўмаклашувчи шаҳар комиссиясининг маълумотига кўра, сайловларга оид барча ташкилий масалаларнинг ўз вақтида ҳал этилишида туман ҳокимликлари ва улларнинг тузилмалари томонидан бевосита кўмак берилди. Сайлов жараёнида кузатувчи сифатида Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатларининг фаол иштирок этиши фуқаролик жамиятини қуриш даврида давлат ва ҳукумат томонидан маҳалланинг ўрнига берилаётган алоҳида эътибордан яна бир далолатдир.

Бугунги шиддатли замон ҳар бир жаҳада доимий такомиллашуви тақозо этаётди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши томонидан бу борада қарор қабул қилиниб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан тегишли тавсиялар берилганлиги ҳам шу боисдандир. (Давоми 2-бетда).

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИ, ШАҲАР ПРОКУРАТУРАСИ, МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БОШ БОШҚАРМАСИ ТОМОНИДАН БУГУН ВА ЭРТАГА АЛИШЕР НАВОЙЙ НОМИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БОҒИДА ШАҲРИМИЗДАГИ БАНД БЎЛМАГАН АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА БЎШ ИШ ҲИРЛАРИ МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ ЎТКАЗИЛМОҚДА.

БЎШ ИШ ҲИРЛАРИ МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!

Ярмаркада шахримизда фаолият кўрсатаётган 870 та корхона-ташкilotларнинг 12 мингта яқин умумий бўш иш жойлари таклиф қилинади.

Биргина ободонлаштириш тизими ташкilotларида 2800 та иш ўринлари мавжуд. Шунингдек, ярмаркада қўйидаги мутахассисликлар бўйича иш жойлари тавсия этилади:

- хайдовчи-668 та;
- шифокорлик ва ҳамширалик ишлари-490 та;
- муҳандис-400 та;
- электромонтажчи-270 та;
- тилувчи-бичувчи-200 та;
- ўқитувчи-педагог-120 та;
- курувчилар-115 та;
- чилангар, электргазбайвандчи-110 та;
- йигирувчи-100 та;
- механик-70 та;
- ҳисобчи-65 та;

Сизларни эртага соат 9.00 дан 16.00 гача ўтказиладиган бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркасига таклиф қиламиз.

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА

